



## ЭПИСТОЛЯР РОМАНДА ТАРИХИЙ-ИЖТИМОЙ ВОҚЕЛИК ТАСВИРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

**Бозоров Ориф Чаманович**

ҚарДУ факультетлараро немис тили кафедраси мудири

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7340470>

Аннотация: Ушбу мақолада эпистоляр романлар ишқий-сентиментал характердаги ошиқ-маъшуқларнинг ёзишмаларидан иборат эканлиги ҳақида фикр билдирилган. Ижодкор шу ёзишмалар орқали ҳам тарихий-ижтимоий воқелик манзараларини ёритиб берган.

Калит сўзлар: сентиментал, концентрик, фабула, фон, мотив, потенциал, образ, эпик, абсурд, контора.

Аннотация: В данной статье высказывается мнение, что эпистолярные романы состоят из переписки влюбленных романтико-сентиментального характера. Через эти соответствия художник освещал сцены исторической и социальной действительности.

Ключевые слова: сентиментальный, концентрический, фабула, фон, мотив, потенциал, образ, эпос, абсурд, контора.

Abstract: This article expresses the opinion that epistolary novels consist of the correspondence of lovers of a romantic-sentimental nature. Through these correspondences, the artist illuminated the scenes of historical and social reality.

Key words: Key words: sentimental, concentric, fabula, background, motive, potential, image, epic, absurd, office.

Эпистоляр романлар, асосан, ишқий-сентиментал характерда, ошиқ-маъшуқларнинг ёзишмаларидан иборат бўлади. Бироқ ижодкор ғоявий-бадий ниятга кўра шу ёзишмалар орқали ҳам ижтимоий воқелик манзараларини бериши мумкин. Аслида роман спецификаси қаҳрамон саргузаштлари ёки концентрик фабула асосида муайян тарихий даврнинг кенг манзаралари орқали сиёсий, ижтимоий, ахлоқий муаммоларни акс эттиришни назарда тутди. Жаҳон адабиётининг ҳар қандай етук романида шундай. Бинобарин, романнинг эпистоляр характерда бўлиши ҳам жанрнинг бу специфик хусусиятини кескин ўзгартириб юбормайди. Тадқиқот объектимиз бўлган ҳар икки роман ҳам бу ҳолатдан мустасно эмас. Кузатишларимиз шуни кўрсатдики, “Ёш Вертернинг изтироблари”да ижтимоий муҳит муаллиф ғоявий-бадий ниятини юзага чиқаришда фон вазифасини бажарган, орқа пландаги воқелик бўлса, “Бону”ни тўла маънода ижтимоий роман дейиш мумкин. Чунки ёзувчи Бонунинг саргузаштлари орқали тарихий-ижтимоий даврга ўз баҳосини берган.



“Ёш Вертернинг изтироблари” романи сентиментал-ишқий характерда. Дастлабки қарашда ортиқ даражада ҳиссиётчан, ижодкор табиатли ёш Вертер севгидаги омадсизлик туфайли ўз жонига қасд қилади. Аммо бош қаҳрамон фожиасини фақат муҳаббат мотиви билан боғлаб қўйсақ, асарнинг ғоявий-бадий қимматини анча тушириб қўйган бўламиз. Воқеалар ривожланиб борар экан, ёш Вертернинг ўзи яшаётган ижтимоий муҳит билан зиддиятда эканлигининг гувоҳи бўламиз. Илк мактублар ўқувчини Вертернинг инсоний табиати билан таништиради. Тўртинчи мактубдан бошлаб эса ижтимоий муҳит чизгилари ҳам бера борилади. Вертер ўзи келиб жойлашган шаҳарча манзаралари, у ердаги ҳаёт тартиби билан таништирар экан, ўзининг жамиятга оид кузатиш ва хулосаларини ҳам баён қила боради. “Leute von einigem Stande werden sich immer in kalter Entfernung vom gemeinen Volke halten, als glaubten sie durch Annäherung zu verlieren” (“...жамиятда кўзга кўринган мавқени эгаллаган кишилар гўё обрўдан айрилиб қолишдан чўчигандек, оддий фуқародан ўзини четга тортадилар”) деб ёзади у дўстига. Шу жумланинг ўзиданоқ Вертер яшаётган жамиятдаги табақаланиш даражаси маълум бўлади. Гўё шу табақаланишга урғу берилгандек, дарҳол хизматкор қиз воқеаси келтирилади. Айтиш мумкинки, Гёте романида тасвирланган ижтимоий-тарихий воқеликнинг бош муаммоси (ёки зиддияти деса ҳам бўлади) табақаланишдир. Бинобарин, 1771 йил 24 декабрда ёзилган хатда “Was mich am meisten neckt, sind die fatalen bürgerlichen Verhältnisse. Zwar weiß ich so gut als einer, wie nötig der Unterschied der Stände ist, wie viel Vorteile er mir selbst verschafft” (“Ярамас ижтимоий муносабатлар, айниқса, жиғимга тегяпти. Табақаларни фарқлаш қанчалик муҳимлигини, ўзимга ҳам бу қанчалик фойдали эканлигини бошқалардан кам билмайман”) дейилади. Аён бўладики, қаҳрамон жамиятнинг мавжуд тартиб-қоидаларини яхши билан, зоҳиран уни инкор ҳам қилмайди. Аммо ҳурликка мойил руҳи ва зийнати бу тенгсизликни қабул қилолмайди, уни жон-жаҳди билан рад қилади. Ич-ичдан бу тартибнинг ғайриинсоний эканини ҳис қилади. Бу ижтимоий ҳодисанинг фоже жиҳати шуки, Вертер айтган “оддий фуқаро”, “оддий халқ” вакиллари шу тартибни тўғри деб билади, ўзининг паст тоифа саналишини оғриқсиз қабул қилади. Бу табақаланишни ижтимоий адолатсизлик, инсонлик қадр-қимматига зид ҳол деб билган бош қаҳрамоннинг ўзи эса бора-бора ўша тартиб жабрдийдасига айланади. Унинг фикрича, жамиятнинг қатъий тартиб-қоидаларга асосланиши инсонни ички хурриятдан маҳрум қилади; унинг ҳаётий кучларини,



иктидорини йўққа чиқариб, руҳини синдиради. Вертер туйғу ва ҳиссиётни инсонлик ҳаётининг энг юксак қадрияти деб билади – жамиятда одамларнинг яратилиш – халқ этилишга зид равишда баланд-пастга бўлиниши эса ҳар икки табақани ана шу қадриятдан маҳрум қилади. Йўқсил тоифа “хазонрезгилик бошланганини кўрса, энди қиш келяпти, деган фикрдан бошқасини хаёлига келтирмайди”. Ўзини оқсуяк деб билганлар эса “ўзларини гўё оддий халққа илтифот кўрсатгандек тутадилару, бу билан ўз калондимоғликларини янада кўпроқ намойиш қиладилар”.

Инсоннинг ижтимоий ўрни, турмуш даражаси – унинг иқтидори, ички потенциали, билими ва ғайрат-шижоатига қараб эмас, қайси табақага мансублигига кўра белгилангани учун ҳам роман воқеалари кечган муҳитда Вертер ва унга ўхшаганларнинг боши фожиадан чиқмас эди. Улар жамият учун катта ишларни амалга оширишга қодир эканликларига қарамасдан, бойларнинг хонадонида ёлланма ишчи ёки давлат идорасида кичик лавозимларда ишлашга мажбур бўлар, ички потенциалнинг бўғилиши фожиали оқибатларга олиб келар эди. Худди шунинг учун ҳам турли даврларда жуда кўп ўқувчилар Вертер сиймосида ўзларини кўрдилар, асарнинг нафақат Германия, бошқа мамлакатларда ҳам катта тўлқин ҳосил қилганининг бир сабаби шу эди. Гёте ўзлигини воқелантиришга жамият йўл бермаган, уни ўз ичига қамаган замондош образини яратган эди.

Тўғри, асарда, эпик воқеалар баёнидан ташқари, Вертернинг фалсафий, адабий фикрлари; ҳис-туйғулари изҳори кўпроқ ўрин эгаллайди. Аммо 25 ёшли адиб вақти-вақти билан ўзи яшаётган ижтимоий тузум, муҳитга муносабатини ҳам қистириб ўтади. Асарнинг Альберт ва Вертернинг худкушликка оид баҳс-мунозараси тасвирланган асосий саҳналаридан бирида Вертер шундай дейди: “Ein Volk, das unter dem unerträglichen Joch eines Tyrannen seufzt, darfst du das schwach heißen, wenn es endlich aufgärt und seine Ketten zerreißt?” (“Мустабид ҳокимнинг бениҳоя зулмидан эзилган халқ ниҳоят кўзғалса ва зулм занжирини узиб ташласа, сен бунга ҳам кучсизлик дейсанми?”) Альберт бу сўзларни мавзуга алоқаси йўқ деб топади ва Вертернинг ўзи ҳам “эҳтимол, шундайдир” дейди.

Романнинг биринчи қисми ўқувчини асосан Вертернинг табиати, унинг севги кечинмалари билан таништиради. “Иккинчи китоб” деб номланган қисмда эса ижтимоий ҳаёт манзаралари кенгроқ берилади. Шарлоттага бўлган муҳаббати жавобсиз бўлмаса-да, натижасиз



эканлигини англаган Вертер бошқа шаҳарга кетади ва элчихонада кичкина бир лавозимни эгаллайди. Аммо фақат севги изтироблари туфайли эмас, бошқа сабабларга кўра ҳам у ўзи излаган ички ҳаловатни топа олмайди. Бу, тарафдан, давлат хизматига оид юмушларнинг бефойда, майда, амалий аҳамиятга эга эмаслиги билан боғлиқ.

Альбер Камю абсурд фалсафасини аниқлаштира туриб, давлат идораларида минглаб одамларнинг эртадан-кечгача ҳеч кимга нафи тегмайдиган ишлар билан машғул бўлиши ва ўша одамларнинг ўзини жуда муҳим вазифа билан машғул деб ўйлашига аҳамият беради. “Сизиф афсонаси. Абсурд ҳақида эссе”да шундай ёзади: “Шундай кун келадикки алмисоқдан қолган декорация вайрон бўлади. Уйқудан уйғониш, трамвай, контора ёки заводда тўрт соат бўлиш, тушлик, трамвай, тўрт соатлик иш, кечки овқат, уйқу; душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба, жума, шанба, ҳаммаси яна ўша маромда – мана, кунба-кун юриладиган осон йўл. Лекин бир куни “нимага?” деган савол пайдо бўлади. Ҳаммаси ўша бўяб-бежалган тушунарсиз зерикишдан бошланади. “Бошланади” – энг муҳими мана шу. Зерикиш – машинаворий ҳаёт ҳосиласи ҳисобланади”. Маънога эга бўлмаган ўша айланма елиб-югуришлар – Камюнинг назарида абсурд шу, уни англаганлар учун эса икки йўл бўлади: ё маънисиз айланмани англаган ҳолда яшашда давом этиш, ёки худкушлик. Шу маънода ёш Вертер ҳам ўзи яшаётган ижтимоий муҳитда ҳаётнинг абсурдлигини англаб етади. “Und daran seid ihr alle schuld, die ihr mich in das Joch geschwätzt und mir so viel von Aktivität vorgesungen habt. Aktivität! Wenn nicht der mehr tut, der Kartoffeln legt und in die Stadt reitet, sein Korn zu verkaufen, als ich, so will ich zehn Jahre noch mich auf der Galeere abarbeiten, auf der ich nun angeschmeidet bin.” (“Ишла, ишла деб бошимни айлантиравериб, мени шу кишанга боғлаган сизлар айбдорсизлар, - деб ёзади у дўстига ўз мактубида. - Иш эмиш! Картошка экиб, ҳосилини шаҳарга элтиб сотадиган одам мендан кўра кўпроқ фойда топади. Агар гапим ёлғон бўлса, ўзи михланиб қолган мана шу дўзахда (курсивлар бизники – О.Б.) яна ўн йил ишлашга тайёрман”). Курсив билан ажратиб кўрсатилган сўзлар Вертер ҳаётнинг абсурдлигини англаб етганлигини кўрсатади.

Айтиш мумкинки, роман сюжетида ҳам, қаҳрамон ҳаёти ва руҳиятида ҳам кескин бурилиш ясаган воқеа шу ижтимоий фожиа билан боғлиқ. Юқорида эслатиб ўтилган хатда (15 март) Вертер инсоний фазилатлари туфайли қаттиқ меҳр қўйган граф фон К... уни кечки овқатга таклиф қилади. Шу



куни графникида ўзини юқори табақа санайдиган хоним ва жаноблар тўпланадилар. Улар стереотипга айланиб кетган қарашлари туфайли даврада Вертернинг ҳам борлигини қабул қила олмайдилар. Улар “аслзодаларга хос қиёфада хўмрайишар, бурунларини кўтаришар эди”. Таранг руҳий вазиятни сезган Вертернинг ўзи ҳам тезроқ бу ердан кетишни истайди.

Иқбол Мирзонинг “Бону” романи, юқорида айтиб ўтилганидек, миллий тарихнинг муайян даврига хос ижтимоий воқеликни кенг тасвирлашдан иборат ғоявий-бадий мақсадда ёзилган. Адиб бунинг учун ёш аёл Бонуни бош қаҳрамон сифатида танлайди.

Ижтимоий ҳаёт манзаралари талабаларнинг пахта йиғим-теримига отланишидан бошланади. Адиб ўнлаб йиллар мобайнида бутун бошли халқни – раҳбаридан тортиб мактабнинг гўдак ўқувчиларигача қаттиқ хўрлаган адолатсизликни Бонунинг талабалиги манзарасида реал чизиб кўрсатади. У пайтларда “халқнинг онгу шуурига пахта муқаддас деб сингдирилиб, ғўза илоҳ даражасига олиб чиқиб кўйилган эди”. Бону коллежда ўқийди, ҳашарга кетиш арафасида қўл телефонига пул туширмоқчи бўлади, мана шу кичик тафсилотлар бу воқеалар мустақиллик йилларида бўлаётганини англатади. Чунки шўро даврида коллеж ҳам, қўл телефонлари ҳам бизда бўлмаган. Демак, Иқбол Мирзо адиблар ичида биринчилардан бўлиб мустақиллик даврининг шўро инерциясида давом этаётган салбий воқелигини, жумладан пахта яккаҳокимлигини ҳам ҳам қаламга олган.

“Бону” романи эпистоляр шаклда ёзилган бўлса-да, кўпроқ одатдаги эпик прозани эсга солади. Чунки унда воқеалар шу даражада батафсил, кичик-кичик тафсилотлари билан, диалоглар ҳам тўлиқ-тўлиқ берилади. Бону телеграм ижтимоий тармоғи орқали хат ёзаётгандан кўра, қўлига қалам олиб батафсил кундалик ёзаётганга, ўтмиш воқеаларни ўзи учун ипидан-игнасигача хотирадан ўтказаяётганга ўхшайди. У гўё кундаликдан иборат катта бир роман ёзгану, ўшани бўлиб-бўлиб хат шаклида телеграмдан ёзувчига жўнатган каби таассурот туғилади. Чунки асарда хатдан кўра анъанавий проза усули устуворроқ; хатнинг анъанавий шаблонлари ҳамма вақт ҳам ишлатилмайди.

Роман оилавий-маиший ҳаёт саҳналари, Бонунинг хотиралари, муҳаббат изтироблари, оиласидагилар билан катта-кичик тўқнашувлари тасвиридан бошланганидан-ю, Бону ҳаёти фониде миллат ҳаётининг катта ижтимоий воқеликлари тасвирига ўтилади. Адиб бир аёл кечмишлари



фонида миллат ҳаётининг катта тарихий даврини, шу даврнинг муҳим ижтимоий воқеаларини бадиий тафаккур сатҳига олиб киради.

Инсоний туйғулари, ҳалол тийнати ва тўғрилиги боис жамиятдан песмохов каби ажралиб қолган Бону ишдан кетади, унинг муҳожирлик ҳаёти бошланади. Олий маълумотли қиз, миллатнинг тафаккури баланд бир вакили дўконда дастёрлик билан иш бошлайди. Кейин ҳам худди шу хилдаги қора ишларни қилади. Турли балою офатларга рўпара бўлади. Миллатнинг инсофу виждонини, ҳаё ва иффатини йўқотган вакиллари шу ерда ҳам учратади. Тақдир турли сабаблар билан ёт ўлкаларга улоқтириб ташлаган одамларнинг ахлоқан тубан кетганига гувоҳ бўлади. Яхши одамлар оғир кунда унга ёрдам қўлини чўзадилар...

Роман хотимаси сохта оптимизмдан холи: Икромиддин Ўзбекистон Республикаси номидан ўқилган адолатсиз ҳукм билан қамоқда қолиб кетади, қанча-қанча одамларни қон қақшатган Олмос қутулиб қолади, ёлғонни касб қилган ака “Ласетти”лик бўлади, ислом руҳида тарбия топган Бону эса жонидан тўйган... Хуллас, ҳақиқат – чалажон, шайтонларнинг бахти кулган. Адиб хотимада ҳам воқеалар тасвирида устуворлик қилган реалистик услубга содиқ қолади.

#### **Адабиётлар:**

1. Гёте Й.В. Ёш Вертернинг изтироблари. Немис тилидан Янглиш Эгамова таржимаси. – Т., Ғ.Ғулом номидаги нашриёт матбаа уйи, 2018. – 8-б., 60-б., 80-б., 89-б.
2. Камю А. Бунтуящий человек. – М., Издательство политической литературы, 1990 – Стр. 29-30.
3. Мирзо И. Асарлар. Уч жилдлик. 3-жилд. Бону. – Т., “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик кампанияси бош таҳририяти, 2020.
4. Johann Wolfgang von Goethe. Die Leiden des jungen Werther. Hamburger Ausgabe. Band 6

